

---

## ФАРҒОНАЛИК VII “ОСИЁ БОЛАЛАРИ” ХАЛҚАРО СПОРТ ҲАЙИНЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Бугун кеч соатларда Фарғона шаҳридаги вилоят театр-концерт саройи очик майдонида Россия Федерациясининг Владивосток шаҳрида бўлиб ўтган VII “Осиё болалари” халқаро спорт ҳаЙинларида Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этган вилоятимиз спортчиларини тантанали кутиб олиш маросими ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов ҳамда вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Нодирбек Ҳакимов қатнашди.

Сўз олганлар юртимиз спортчилари халқаро нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қайд этишаётгани барча ватандошларимизда фахр-ифтихор уйғотаётганини таъкидлашди.

Хусусан, VII “Осиё болалари” халқаро спорт ҳаЙинларида вилоятимиз ёшлари 2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза, жами 8 та медални қўлга киритгани фарғоналикларга бир олам қувонч улашгани алоҳида қайд этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-11 09:25:30